



VATANDOSHLAR

Ижтимоий-оммабоп газета

№ 6, 2025 йил, ноябрь

vatandoshlar.uz

[vatandoshlar_fond](https://www.instagram.com/vatandoshlar_fond)

[vatandoshlar_fondi](https://www.facebook.com/vatandoshlarfondi)

[vatandoshlarfondi](https://www.youtube.com/channel/UCvAtandoshlar)

[@Vatandoshlar](https://www.tiktok.com/@Vatandoshlar)

ЧИНОР

СОЯЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган “Ватандошлар” жамоат фонди қисқа вақт ичида халқимиз бирлигини мустаҳкамлаш, хорижда яшаётган юртдошлар билан ҳамкорликни ривожлантириш йўлида бир қатор хайрли ва эл учун манфаатли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Ана шундай эзгу ташаббусларнинг ёрқин намуналаридан бири – “Чинор” лойиҳасидир.



2024 йилда илк бор тажрибавий – пилот тарзда бир мавсумда амалга оширилган ушбу лойиҳа, юқори самарадорлик ва иштирокчилар томонидан билдирилган илиқ миннатдорчилик сабаб, 2025 йилда уч мавсумда ўтказилиб 200 дан ортиқ ёшу улуг ватандошларни қамраб олди. Бу эса Фонд фаолиятининг кенгайиб бораётгани, ташкилий имкониятлар ва ишончнинг ортиб бораётганининг яққол далилидир.

▼ [Davomi 2-betda](#)



“ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ФОНДИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ РОССИЯДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда барча соҳаларда кенг қўламли янгиланишлар, халқ фаровонлигини таъминлашга, юртнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз етакчи мамлакатлар қаторига қўшилиб, янада юқори поғоналарга кўтарилиши учун изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани нафақат юртимиз аҳли, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган сана – нафақат юртимизда, балки дунёнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган миллионлаб юртдошларимиз учун ҳам фахр, ғурур ва бирлашув тимсолидир.

Бу кун – халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлида ташлаган жасоратли қадами, мустақиллик ғоясининг рангларга мужассам тимсоли сифатида қадрли. Шу боис, ҳар йили ушбу сана муносабати билан “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан кенг қамровли маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий лойиҳалар ва ватандошлар билан жонли мулоқотлар ташкил этилади.

▼ [Davomi 3-betda](#)

Президентимиз томонидан амалга оширилаётган адолатли, очиқ ва инсонпарвар сиёсат мамлакатнинг жадал ривожланишини таъминлашда муҳим омилга айланди.

Шуниси эътиборлисики, Ўзбекистондаги ислохотлар нафақат мамлакат ичида, балки дунёнинг турли минтақаларида ҳаёт кечираётган юртдошлар ҳаётида ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳар бир ҳамюртнинг тақдирига бефарқ бўлмаган давлатимиз хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш ва миллий алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Шу мақсадда “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан ташкил этилган делегация Россия Федерациясининг бир қатор йирик шаҳар ва худудларига амалий ташриф уюштириб, у ерда меҳнат қилаётган ва яшаб келаётган юртдошлар, уларни иш билан таъминлаётган корхоналар ҳамда маҳаллий тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказди. Ташриф доираси Москва, Челябинск, Екатеринбург, Тюмень, Новосибирск, Кемерово ва Санкт-Петербург шаҳарларини қамраб олди. Бунинг ўзи ҳам Давлатимизнинг қай ерда бўлмасин, ўз фуқаросига эътибор ва масъулият билан ёндашишга мойил эканининг ёрқин далилидир.

Юртдошларнинг ҳаёти, меҳнати ва муаммолари ўрганилди

Делегация аъзолари ҳар бир худудда ватандошлар билан юзма-юз мулоқот қилиб, уларнинг кундалик турмуш шароити, меҳнат муҳити, ҳуқуқий ҳимояси, ижтимоий эҳтиёжлари билан танишди. Россиянинг турли шаҳарларида яшаб, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошлар ўзларини ўйлантираётган қатор масалаларни очиқ муҳокама қилиш имконига эга бўлишди.

Суҳбатлар жараёнида қуйидаги масалалар кўтарилди:

- ишга қабул қилишдаги расмийлаштириш муаммолари;
- патент олиш ва миграция ҳужжатларини расмийлаштиришдаги қийинчиликлар;
- тиббий хизматлардан фойдаланиш;
- болалар таълими ва боғча масалалари;
- Россияда қонунчиликни пухта билмаслик оқибатида юзага келадиган ҳуқуқий хатарлар.

▼ [Davomi 4-betda](#)

ЧИНОР

СОЯЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

◀ Bosh 1-betda

Ҳар бир мавсум алоҳида тайёргарлик, пухта режа ва юсак эътибор билан ташкил этилди. Лойиҳада хорижда истиқомат қилиб келаётган ёши улғ 50 ёшдан 70 ёшгача бўлган отахон ва онахонлар иштирок этишди.

“Чинор” лойиҳасининг бош ғояси – хорижда яшаётган нуронийларни она диёр билан боғлаш, уларни аجدодлари яшаб ўтган маънавий масканлари билан яқиндан таништириш, Ватан ютуқлари ва тараққиёти билан юзма-юз ҳолда танишиш имкониятини яратишдан иборат.

Иштирокчилар дастур давомиди:
– Тарихий ва маънавий обидалар;
– Юртимизнинг янги бунёдкорлик масканлари;
– Маданият, илм-фан ва санъат муассасалари;
– Янги Ўзбекистон тараққиётини акс эттирувчи лойиҳалар билан яқиндан таништирилди.

Бу ташрифлар уларнинг қалбида чуқур таассурот қолдирди, айримлар ҳатто ўз ота-боболари юрган қадамжоларга илк бор ташриф буюриш бахтига муяссар бўлаётганидан қалби жунбишга келиб, ҳиссиётларини яширай:

“Туш кўраётгандекман, биласизми, бу тупроқларда азиз ота-боболаримизнинг қадами теккан”, дея тўлқинланиб гапирдилар.

Янги Ўзбекистонни кўриб, кўплаб ватандошлар ўз ҳайратини яшира олмади. Хорижда узоқ йиллар давомиди истиқомат қилиб келаётган нуронийлар учун бугунги Ўзбекистон – янгиланган, бунёдкорлик руҳи билан яшаётган, замонавий инфратузилмалари, кенг кўламли ислохотлари билан жадал ривожланаётган мамлакат сифатида намоён бўлди.

Меҳмонлардан бири ўз таассуротларини қуйидагича ифода этди:

“Юртимизни танимай қолдик, Ўзбекистон ҳақиқий тараққиёт сари дадил одимлашмоқда!”

Нуронийлардан яна бири шундай дейди: “Аجدодларимиз яшаган бу ўлканинг келажаги порлоқ эканига ишончимиз янада мустаҳкам бўлди!”

Нуронийларнинг дуолари, юрт раҳбарига билдирилган миннатдорлик сўзлари, Фондга билдирган эътироф ва самимий тилаклар лойиҳанинг нақадар долзарб ва зарурлигини яна бир бор кўрсатди.

“Ватандошлар” жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, хусусан,

“Чинор”, бугунги кунда нафақат маънавий кўприк, балки юртдошлар билан доимий алоқани мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Фонднинг эзгу мақсади – қаерда бўлмасин, ўзбек фарзанди ўз Ватанини унутмасин, ўз илдиши, ўз тарихини, аجدодлар руҳи билан боғлиқ эканини ҳис қилиб юрсин. “Чинор” лойиҳаси эса ана шу мақсаднинг ёрқин тимсолидир.

Бугун “Чинор” лойиҳаси – Ватанни соғинган қалбларни бағрига олган, аجدодлар меросини келажак билан боғлайдиган улкан маънавий мактабга айланмоқда.

Бу каби ташаббуслар давом этиши, албатта, халқимиз бирлиги, Ватан равнақи ва юртдошларимиз қалбидаги фахр ва меҳр туйғуларини янада мустаҳкамлайди.

Жавоҳир Раҳимов



**КЕКСАЛАРГА ЭЪТИБОР ЭНГ УЛУҒ
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗДАН, УЛАРНИНГ
ДУОЛАРИ ЭСА ЧИНАКАМ
МУВАФФАҚИЯТ МАНБАИДИР**



“

Соат сайин Тошкентни ўзгариб бораётганини кўряпмиз!

Аҳоли учун янгидан-янги имкониятлар, ўқув юртлари барпо этилиши эътирофга арзийди.

Иш ўринлари ташкил қилиниб, аҳолини меҳнат билан банд қилиш, дам олиш масканларининг барпо этилаётгани ҳаммамизни қувонтирди.

Биз нафақат саёҳат қилмоқдамиз, балки бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ўзимиз учун ўрناк ҳам олмоқдами! Ишончимиз комилки, Янги Ўзбекистонда бу каби янги ислохотлар изчил давом этади. Биз эса аجدодларимиз қадами теккан тупроқ равнақини кўриб, қалбимиз ифтихорга тўлиб яшайверамиз!

Муҳаммаджон Охунов
“Чинор” лойиҳаси иштирокчиси



БИР БАЙРОҚ ОСТИДА

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Қалбимиз тўла сурур,
Тўтиё юрт тупроғи,
Ҳилпираб турар мағрур,
Ўзбекистон байроғи.

Ранги ҳаёт мисоли,
Юлдузлари ҳилоли,
Мустақиллик тимсоли,
Ўзбекистон байроғи.

Ифтихор дилимизда,
У йўлдош йўлимизда,
Юксалар қўлимизда,
Ўзбекистон байроғи.

Гумбазларда, юксакда,
Пештоқларда, фалакда,
Қўнгилларда, юракда,
Ўзбекистон байроғи.

Ранги ҳаёт мисоли,
Юлдузлари ҳилоли,
Мустақиллик тимсоли,
Ўзбекистон байроғи.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

**Байроқ бу шунчаки ранглardan
иборат мато эмас. У миллатнинг
шаъни, ифтихори ва тарихий ўзлигини
муҳасам этган улуғ тимсолдир.**

**Юксак минбарларда Ватан байроғи
ҳилпираб турганда ҳаяжондан
қалқмаган қалб аслини унутган
хилқатдир.**

**Байроқ – бу шунчаки рамз эмас,
балки чинакам масъулиятдир.
Унинг соясида халқимиз тинч ва
бахтиёр ҳаёт кечиради!**

**Бугун Ўзбекистон
байроғи нафақат давлат
рамзи, балки юртимизнинг
халқаро майдондаги танилган,
ҳурмат топган белгисига айланди. Турли
қитъаларга ёйилган ўзбек диаспораси ҳам
бу рамзни қалбан эъзозлайди. Чунки байроқ
– уларнинг юрагини она юрт билан боғлаб
турадиган энг муқаддас тимсоллардан
биридир.**

Шу боис байроқ қабул қилинган сана
хориждаги ватандошлар учун ҳам алоҳида
маънавий аҳамиятга эга. Бу кун уларни
бирлаштиради, ягона ўзлик ва якдиллик
руҳини кучайтиради.

Мазкур сана муносабати билан Фонд
томонидан анъанага айлантирилган “Бир
байроқ остида” танлови катта қизиқиш
уйғотди. Дунёнинг кўплаб давлатларида
яшаётган ватандошлар ўзлари яратган ижодий
ишлар билан иштирок этишди. Танловда:

– Турли шаҳар ва мамлакатлар манзараларида
Ўзбекистон байроғи ҳилпираётган
фотосуратлар,

– Кўлда чизилган расмлар, график
ишланмалар, байроқ тимсоли билан боғлиқ
ижодий ғоялар кенг миқёсда тақдим этилди.

Ҳар бир ижодий ишда Ватанни қўмсаш,
миллий ғурур, ўз илдизларига меҳр ва байроқ
орқали намоён бўладиган бирлашув ғоялари
ёрқин ифода этилган.

Танлов якунида энг яхши ижод намуналари
аниқланиб, Фонд томонидан эсдалик совғалар
топширилди. Бу биргина бир иштирокчининг
ютуғи эмас, балки чет эллардаги
юртдошларимиз орасидаги маънавий
уйғониш, уларнинг Ўзбекистон билан доимий
руҳий алоқасининг яна бир исботи бўлди.

Фонд ташаббуси билан байроқ қабул
қилинган сана муносабати билан Россиянинг
бир нечта минтақаларида ҳам кенг қамровли
маърифий тадбирлар ўтказилди. Мазкур
учрашувларда:

– Ватандошлар билан байроғимизнинг
тарихий шаклланиш жараёни;

– Ундаги ҳар бир чизиқ, ранг ва юлдузнинг
маъноси;

– Мустақиллик ва миллий тикланиш
жараёнидаги ўрни каби мавзулар атрофида
қизғин суҳбатлар ташкил этилди.

Учрашувларда ёшлардан тортиб, зиёлилар,

меҳнат мигрантлари, тадбиркорлар ва
фахрийлар ҳам иштирок этиб, байроқнинг
бугунги авлод учун юқори аҳамияти, унинг
диаспорани бирлаштирувчи кучи ҳақидаги
фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кўплаб ватандошлар байроқни артел ёки
заавода, аудиторияда, меҳнат муҳожирлари
яшайдиган ётоқхоналарда, уйларида
ардоқ билан сақлашлари, уни ҳар қандай
муваффақиятнинг рамзи сифатида
эъзозлашларини таъкидлашди. Мазкур
учрашувлар уларга нафақат маънавий мадад,
балки Ватан билан боғланишнинг янги
имкониятларини ҳам яратди.

“Ватандошлар” жамоат фонди томонидан
ўтказилган мазкур тадбирлар яна бир бор
шуни кўрсатдики, масофа қанчалик узоқ
бўлмасин, ватандошлар қалби бир байроқ
остида бирлашади. Байроғимиз – мустақил
Ўзбекистоннинг шаъни, ғурури ва келажакка
ишонч тимсоли. У қайси юрт осмонида
ҳилпирамасин, юртдан узоқда яшаётган
минглаб инсонлар учун Ватанга тортувчи
бебаҳо куч бўлиб қолаверади.

Қалбида миллат ифтихори, унинг
муваффақияти билан шодланиш, равнақини
кўриб кўзига севинч ёши келадиган ҳар
қандай инсон борки, юрт байроғини доим
қалбидан туширмайди, юксак минбарларда
кўтарилганда эса беихтиёр қалқиб кетади.

“Ватандошлар” жамоат фонди эса ана шундай
мўътабар туйғуни дунёнинг олис нуқталарида
яшаётган, Ўзбекистон сўзини эшитганда юраги
жумбишга келадиган ватандошларга етказиш,
уларни ягона байроқ остида бирлаштириш,
гарчи ўзга юртларда яшаса ҳам, қалби байроқ
учун ошён ватандошлар билан доим алоқада
бўлишни мақсад қилган.

Ишонамизки, бу каби хайрли ишлар
бардавом бўлиб, юртимиз самосида ҳилпираб
турган байроғимиз ҳар бир ватандошнинг
қалбидан бундан ҳам чуқурроқ ўрин олиб,
мангуга қадар диллардан дилларга ўтиб,
қадри юксалиб бораверади.

Гарчи дунё бўйлаб тарқалган, турли
сабаблар, турфа мақсадлар билан яшаб
келадиган ватандошларга фахр билан шуни
айтамизки, биз барчамиз – бир илдиздан
чиққан, бир байроқ остида бирлашган буюк ва
шонли халқмиз.

Уфора Ҳабибуллаева



“ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ФОНДИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ РОССИЯДА

◀ Boshi 1-betda

Юртдошлар, шу билан бирга, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришлардан хабардор эканларини, мамлакатдаги ҳар бир янгиликни диққат билан кузатиб бораётганларини, Ватаннинг тараққиёти уларни руҳлантираётганини билдиришди.

ВАТАН РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШ – ВАТАНДОШЛАР ФАХРИ

Учрашувларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири шунда бўлдики, кўплаб ватандошлар масофа йироқ бўлишига қарамай, Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканини таъкидлашди. Улар қуйидаги йўналишларда аниқ таклифлар билдиришди:

- ўз соҳаларидаги замонавий билим ва малака билан ўртоқлашиш;
- Ватанга инвестиция олиб кириш;
- ўқув семинарлари ва тажриба алмашиш лойиҳаларини амалга ошириш;
- Ўзбекистондаги янги тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;
- ёшлар учун имкониятлар яратишга кўмаклашиш.

Ватандошлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан хориждаги ўзбеклар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ахборот ва ҳуқуқий хизматларни яхшилаш борасидаги сиёсатдан жуда мамнун эканларини алоҳида таъкидлашди. Улар бунини ўзларига бўлган ишонч ва қадр-қимматнинг эътирофи сифатида қабул қилишди.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ: ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

Ташриф доирасида маҳаллий тадбиркорлар ва корхона раҳбарлари билан ҳам ўзаро учрашувлар ўтказилди. Мазкур суҳбатларда Ўзбекистон ва Россия ўртасида қуйидаги



йўналишлардаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди:

- қўшма инвестиция лойиҳалари;
- саноат кооперацияси;
- мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик;
- таълим ва инновация лойиҳалари;
- савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш.

Кўплаб тадбиркорлар ўзаро манфаатли лойиҳалар юзасидан қизиқиш билдиришди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР: БИРЛИК ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ МАЙДОН

Делегация ташрифи фақат амалий муҳокамалар билан чекланиб қолмади. Ҳар бир шаҳарда ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирлар нафақат юртдошларни бирлаштирди, балки уларда миллий ўзлик, маданий хотира ва Ватанга мойиллик туйғусини янада мустаҳкамлади.

Тадбирларда:

- жамоат фаоллари;
- маҳаллий ташкилотлар вакиллари;
- зиёлилар;
- фуқаролик жамияти аъзолари фаол иштирок этди.

Ўзбекона куй-қўшиқлар, шеърлар, миллий рақслар жаранг солди, юртдошларимиз бири-бири билан яқиндан танишиш, бирлашиш

ва ўзаро қўллаб-қувватлаш имконига эга бўлишди.

Очиқ мулоқот майдонлари шаҳарлардаги диаспораларнинг янада фаоллашиши, янги ташаббуслар пайдо бўлиши, болалар ва ёшлар орасида миллий қадриятларимизни сақлаш борасида муҳим қадам бўлди.

БУ ТАШРИФ ВАТАН ВА ДΙΑСПОРА ЎРТАСИДАГИ КЎПРИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАДИ

“Ватандошлар” жамоат фонди делегациясининг Россияга амалий ташрифи бир қатор муҳим мақсадларга эришди:

- ватандошлар билан мулоқот янада фаоллашди;
- уларнинг муаммолари ўрганилди ва ечимлар белгиланди;
- иқтисодий ва маънавий ҳамкорликка асос бўлувчи янги йўналишлар очилди;
- юртдошларда Ватан билан боғлиқлик, миллий ўзлик ва бирлик туйғуси янада кучайди.

Бу ташриф яна бир бор шундан далолат бердики, Ватан ўз фарзандларини қай манзилда бўлса ҳам ёддан чиқармайди. Ҳар бир юртдошнинг тақдири, ҳар бир фуқаронинг манфаати ва истиқболи – Янги Ўзбекистоннинг устувор мақсадларидандир!

Абдурауф Зокиров

Муассис:
“Ватандошлар”
жамоат фонди

Ижодий гуруҳ раҳбари:
Одилжон Саттаров

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 20.12.2023 йил № 191084 да рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Абдурауф Зокиров
Дизайнер: Феруз Ҳакимов

Манзилимиз:
100090, Тошкент шаҳри, Бобур
кўчаси, 45-уй